


## Builders of The Future



### HISTORY OF TURKESTAN INTERNAL AFFAIRS BODY (1917-1924)

**Nurilla Tokhtayev**

*lecturer*

*School 165, Almazor district, Tashkent city  
Tashkent, Uzbekistan*

#### **ABOUT ARTICLE**

**Key words:** bolshevik, inspection, militia, peasant, Soviet, Turkestan, Moscow, revolution, bourgeoisie, committee.

**Received:** 09.10.24

**Accepted:** 11.10.24

**Published:** 13.10.24

**Abstract:** In 1917-1924, the activities of internal affairs bodies in Turkestan included complex and changing processes. During this period, the internal affairs system was associated with the Russian Revolution, Bolshevik rule and the establishment of the Soviet state, and had a great impact on the local social and political environment. After the collapse of the Russian Empire in February 1917, a provisional government was established in Turkestan. During this period, the activities of the internal affairs bodies were adapted to the new conditions.

When the Bolsheviks took power in October 1917, reforms began in the internal affairs bodies. The Cheka (secret police) was established, which played an important role in suppressing political opposition and maintaining revolutionary order. Local police and other internal affairs bodies continued to function, but they had to adapt to the changes of the Soviet system. Internal affairs bodies worked to prevent crime, maintain order and ensure social security. By studying and monitoring the socio-economic situation of the local population, the internal affairs bodies helped in the implementation of the state policy. The activities of the internal affairs bodies affected the socio-economic life.

They served to maintain social stability and implement state policy. The repressive nature of the internal affairs system had a negative impact on local politics and social life in the future. In general, the activities of internal affairs bodies in Turkestan in 1917-1924 are characterized by complex and changing processes, which caused significant

changes in the social, political and economic environment.

---

## ТУРКИСТОН ИЧКИ-ИШЛАР ОРГАНИ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ (1917-1924 ЙИ)

*Нурилла Тұхтайев*

*үкитувчи*

*Тошкент шаҳар Олмазор тумани 165-мактаб*

*Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўз:** большевик, инспекция, милиция, дехкон, совет, туркистан, москва, инкилоб, буржуазия, кумита.

**Аннотация:** Туркистонда ички ишлар органлари фаолияти 1917-1924 йилларда мураккаб ва ўзгарувчан жараёнларни ўз ичига олди. Ушбу даврда ички ишлар тизими Россия инқилоби, Большевиклар ҳукмронлиги ва Совет давлатининг ташкил этилиши билан боғлиқ бўлиб, маҳаллий ижтимоий ва сиёсий мухитга катта таъсир кўрсатди. 1917 йил февралида Россия империяси қулагач, Туркистанда вактинчалик ҳукумат ўрнатилди. Бу даврда ички ишлар органлари фаолияти янги шароитга мослаштирилди.

1917 йил октябрида Большевиклар ҳокимиятни қўлга олгач, ички ишлар органларида янгиланишлар бошланди. Чека (махфий полиция) ташкил этилди, у сиёсий қаршиликларни бостиришда ва инқилобий тартибни сақлашда мухим рол ўйнади. Маҳаллий полиция ва бошқа ички ишлар органлари ҳам ўз фаолиятини давом эттирдилар, лекин улар Совет тизимининг ўзгаришларига мослашишга мажбур бўлишди. Ички ишлар органлари жиноятчиликни олдини олиш, тартибни сақлаш ва ижтимоий хавфсизликни таъминлаш мақсадида фаолият юритдилар. Маҳаллий аҳолининг ижтимоий-иктисодий аҳволини ўрганиш ва мониторинг қилиш орқали ички ишлар органлари давлат сиёсатини амалга оширишда ёрдам беришди. Ички ишлар органларининг фаолияти ижтимоий-иктисодий ҳаётга таъсир кўрсатди.

Улар ижтимоий барқарорликни сақлашга ва давлат сиёсатини амалга оширишга хизмат қилди. Ички ишлар тизимининг репрессив табиати келажакда маҳаллий сиёсатга ва ижтимоий ҳаётга салбий таъсир кўрсатди. Умуман олганда, Туркистанда ички ишлар органларининг фаолияти 1917-1924 йилларда мураккаб ва ўзгарувчан жараёнлар билан ажralиб турибди, бу эса ижтимоий, сиёсий ва

иқтисодий мухитда сезиларли ўзгаришларга сабаб бўлган.

## ИСТОРИЯ ТУРКЕСТАНСКОГО ОРГАНА ВНУТРЕННИХ ДЕЛ (1917-1924 ГГ.)

**Нурилла Тохтаев**

преподаватель

Школа 165, Алмазарский район, город Ташкент

Ташкент, Узбекистан

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** большевик, инспекция, милиция, крестьянин, Совет, Туркестан, Москва, революция, буржуазия, комитет.

**Аннотация:** В 1917-1924 годах деятельность органов внутренних дел Туркестана включала в себя сложные и изменчивые процессы. В этот период система внутренних дел была связана с русской революцией, большевистским правлением и созданием советского государства и имела большое влияние на местную социальную и политическую среду. После распада Российской империи в феврале 1917 года в Туркестане было создано Временное правительство. В этот период деятельность органов внутренних дел была адаптирована к новым условиям.

С приходом к власти в октябре 1917 года большевиков начались реформы в органах внутренних дел. Была создана ЧК (тайная полиция), которая сыграла важную роль в подавлении политической оппозиции и поддержании революционного порядка. Местная полиция и другие органы внутренних дел продолжали функционировать, но им пришлось адаптироваться к изменениям советской системы. Органы внутренних дел работали над предотвращением преступности, поддержанием порядка и обеспечением социальной безопасности. Изучая и контролируя социально-экономическое положение местного населения, органы внутренних дел содействовали реализации государственной политики. Деятельность органов внутренних дел отразилась на социально-экономической жизни.

Они служили поддержанию социальной стабильности и реализации государственной политики. Репрессивный характер системы внутренних дел негативно сказался на местной политике и общественной жизни в дальнейшем. В целом деятельность органов внутренних дел Туркестана в 1917-1924 годах характеризуется сложными и изменчивыми

процессами, вызвавшими существенные изменения в социальной, политической и экономической среде.

1917-1924 йиллар даврида Туркистон ички ишлар органлари фаолияти Россиядаги сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлардан, хусусан, 1917 йилдаги Феврал ва Октябрь инқилобларидан жуда таъсирланди. Бу даврда ички ишлар органлари миллий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда муҳим рол ўйнади.

1917 йилдаги инқилобдан сўнг Туркистонда янги ички ишлар органлари ташкил этилди. Уларнинг вазифалари мамлакатнинг тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишдан иборат эди. Ички ишлар органлари жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликни камайтириш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун бир қатор тадбирларни амалга оширди. Бу даврда сиёсий мухолифатга қарши курашиш учун ички ишлар органлари кўпинча *repressiv* чораларни қўлладилар. Мухолифат ташкилотлари ва фаоллар устидан назаротни кучайтиришган.

Ички ишлар органлари маҳаллий худудлардаги бошқа ташкилотлар, жумладан, партиялар ва деҳқон уюшмалари билан ҳамкорлик ўрнатди. Туркистонда ижтимоий ва иқтисодий муаммоларнинг кучайиши, хусусан, у ердаги хўжалик фаолиятидаги кутилмаган ўзгаришлар ички ишлар органлари фаолиятини тўғрилашда қийинчиликлар туғдирди. Туркистоннинг кўпмиллатли тузилиши ички ишлар органларига миллий муаммоларни ҳал қилишда маҳсус дикқат талаб қилди. Бу органлар миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлашга ҳаракат қилдилар, лекин кўпинча бу борада муваффақиятсизликларга учрадилар. 1924 йилда Туркистонда янги сиёсий тузилмалар ва идоралар ташкил этилди, бу ички ишлар органларининг фаолиятига ҳам таъсир кўрсатди. Янги идоралар асосида ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга интилишлар бошланди.

Туркистон ички ишлар органлари 1917-1924 йиллар даврида жуда мураккаб шароитларда фаолият юритди. Улар жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш, сиёсий репрессиялар билан боғлиқ вазифаларни амалга оширди, шу билан бирга ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилишдаги муваффақиятсизликларга дуч келдилар.

Ушбу давр давомида ички ишлар органлари фаолияти ўзининг тарихий аҳамиятига эга бўлди, чунки у кейинги даврлардаги ижтимоий сиёсатнинг шаклланишига таъсир қилди. 1917 йил 28 октябрда, яъни Октябр тўнтариш и ғалаба килганидан кейин 3 кун ўтгач, совет хукуматининг ваколатига биноан, РСФСР Ички ишлар халқ комиссарлиги қабул килган «Ишчи милицияси тўғрисида»ги ка пор янги турдаги милиция ташкил этилган лиги ҳақидаги биринчи кўрсатма эди. Қарорда барча ишчи ва солдат депутатлари Советларига инқилобий

интизом ўрнатиш ва тартибни сақлаш учун ишчи милициялари таъсис этиш тўғрисида кўрсатма берилган ва бу орган фақат советлар ихтиёрида бўлиши таъкидланган эди. Ҳарбий ва фуқаро ҳокимиятлари зиммаларига ишчи милициясини қуроллантириш, уни зарур техника воситалари ва курол-ярог билан таъминлаш вазифаси юклатилди. Қарорнинг тўртинчи моддасида ушбу қонун телеграф орқали жорий этилиши айтилган эди.

РСФСР ИИХКнинг «Ишчи милицияси тўғрисида»ги қарори бутун мамлакатда С оветлар хукмонлигининг тўла-тўкис бўлишини таъминлаш ва пролетариат диктатурасини мустаҳкамлашга каратилган эди. Ишчи-дехқон милициясини ташкил этиш вазифасини Советлар зиммасига юклар экан, ИИХКнинг ка рор и жамоат тартибини муҳофаза қилиш идораси ва мустабид тузумнинг ҳимоячиси бўлмиш совет милицияси ташкил этилганлигини ҳуқуқий жиҳатдан мустақкамлар эди. Совет ҳукуматининг раҳбари ва большевиклар партиясининг етакчиси В. И. Ленин милиция ҳакида тўхталиб, фикрини қуидагича баён этган эди: «Милиция - буржуа давлат машинасини синдиришда ва уни янгисига узгартиришда асосий қуролдир».

Совет Россияси шахарларидан ибрат олиб, Туркистонда ҳам ишчи-дехқон милицияси ташкил этила бошланди. Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Советининг 1917 йил 18 ноябрдаги қарорида барча ишчи ва солдат депутатлари Советларига қизил гвардиячилар отрядларини тузишга киришиш таъкидланди. Қизил гвардия отрядларига, жумладан, фуқароларнинг шахси ва мол-мулкини муҳофаза қилиш вазифаси ҳам топширилган эди. 1918 йил 29 январда Туркистон ўлкаси ХКСнинг 17-сонли «Захира кадрларини яратиш ва милицияни кайта ташкил этиш тўғрисида»ги буйруғи эълон қилинди.

Буйруқни бажариш фуқаро-маъмурий қисм халқ комиссари зиммасига юклатилган эди. Муваққат ҳукумат даврида (1917 йил март—октябр) тузилган эски ҳарбий ва фуқаро милицияси узил-кесил бекор қилинди. Буйруқда маъмурият ва темир йўлдаги қўмиталар зарур ҳолларда ёрдам сўраб, қизил гвардия отрядларига мурожаат қилишлари кўзда тутилган эди. Халқ мулкини қўриқлаш ва жамоат тартибини муҳофаза қилишда деярли барча уездларда ташкил этилган фирмә дружиналари фаол иштирок этдилар.

Улар омборлар, муассасаларни қўриқлар, шаҳарлардаги тартибни назорат қилар, асосий кўча ва чорраҳаларни кузатар эдил ар. Инқилобий тартибни ҳимоя қилишда «халқ хўжалиги обьектлари, ҳарбий асирлар ва моддий бойликларни муҳофаза қилувчи қоровул дружина»лари ҳам иштирок этишарди. Янги милицияни ташкил этиш ва кадрлар тайёрлаш ишига раҳбарлик қилиш учун 1918 йил 30 январда «Туркистон ўлкаси шахар ва туманлари милиция инспектори бош қармасининг бўлими» таш кил этилди. Милиция инспектори вазифасини вактинча бажарувчи килиб А. Бараповский тайинланди. Бошқарманинг иш юритиш бўлими

(канцелярия)ни ташкил этиш ва қисқа муддатда милициянинг оддий ходимлари ва командирларини тайёрлайдиган курслар очиш ҳам унга топширилди.

Инспектор ўлка худуди доирасида милицияга умумий раҳбарликни амалга оширадар, милиция муассасалари ни текширадар ва тафтиш килар, милиция ходимларининг бир вилоятдан иккинчисига ўтишларини бошқарар эди.

1918 йилнинг феврал ойида барча уезд, шаҳар ҳамда волостларда милиция идоралари ташкил этила бошланди. Бутун мамлакатдаги каби Туркистонда хам совет милицияси янгича Ҳукуқ-тартиботни ҳимоя қилиш га даъват этилган ишчи ва дехконларнинг синфи ташкилоти сифатида бунёд этилди. Эски мутахассислардан фойдаланишга йўл қўйилган ҳарбий, молиявий ва бошқа идоралардан фарқли ўлароқ, милиция шахсий таркибита аввал бошиданоқ якка тартибда ишга қабул қилиш усули жорий қилинган эди. Совет милициясининг тузилишида РСФСР Губерния ижроия комитетларининг Москвада бўлиб ўтган I сессияси (1918 й. 30 июн—1 август) катта рол ўйнади.

Сессияда совет давлат аппарата курили ши юзасидан қабул қилинган карорлар ичida «совет давлатининг барча худудларида синфи кураш авж олаётган ҳозирги шароитда ҳамда шахар, қишлоқ ва чекка ўлкаларда инқилобий диктатурани мустаҳкамлаш учун ишчи-дехқон милициясини тузиш билан боғлиқ масалаларни тезда тугатиш зарурлиги» алоҳида кўрсатилди. 1918 йил 13 декабрда «Россия Совет Федерациясининг Туркистон Республикаси И ш чи-дехқон совет милицияси тўғрисидаги Низоми» ишлаб чиқилди ҳамда Туркистон АССР МИК томонидан тасдиқланди.

Туркистон АССР Ички ишлар ва Ташқи ишлар халқ комиссарликлари ҳамда унинг қошидаги ҳайъат Республика милициясига умумий раҳбарлик қиласиди. Республика милициясининг бош инструктори милиция ишлари билан бевосита шугулланарди. У ўз маҳкамаси билан Ички ишлар ва Ташқи ишлар халқ комиссарлиги таркибига киритилган эди. Жойларда ташкил қилинган милицияга шаҳар ва уездлар муҳофазаси бош ликлари раҳбарлик қилишарди. Улар ва ёрдамчиларини Ташки ишлар халқ комиссарининг розилиги билан Советлар тайинларди. Шахарлар ва уездлар район милициясини тузишарди. Район милицияси таркибини Советларнинг розилиги билан шахар ёки уезд муҳофазаси бошлиги тайинларди. Туркистон АССРда милиция органларини ташкил этиш РСФСРдагига нисбатан маълум даражада фарқ қиласиди. Туркистонда совет милициясини ташкил қилишда амалда синовдан ўтган Россия милициясининг ташкилий жиҳатлари асос қилиб олинди, шунингдек, ўлқадаги сиёсий вазият ҳисобга олиниб, милиция органларига совет тузумига қарши кўтарилиган қуролли ҳаракат ва норозилик чиқишиларини бостиришда қатнашиш вазифаси ҳам юклатилди.

1919 йил 26 апредда (бошка бир ҳужжатда ёзилишича, 1919 йил июлда) Туркистон АССР Ички ишлар халқ комиссарлиги таркибida Республика милицияси ишига раҳбарлик қиладиган

Ишчи-дехқон милицияси Баш бошқармаси таъсис этилди ва 1920 йил 21 январда унга большевик Я. Цируль бошлиқ этиб тайинланди. Бу ҳақда Туркистон АССР Советларининг IX съезди (1920 йил 19—24 сентябр)да Ишчи-дехқон милицияси Баш бошқармаси фаолияти тўғрисида қилинган маърузада суз боради. «Низом» шаҳар, уезд, шунингдек, жиноят-кидирув ва темир йўл милициясини Милиция Баш бошқармасига бўйсундириб, унинг ролини мустаҳкамлаган эди. «Низом» совет милициясининг бурчи ва асосий вазифаси ишчилар синфи ва камбагал меҳнаткаш халқ манфаатлари ҳамда инкилобий тартиб, янги тузумни муҳофаза килишдан иборат, деб белгилади.

Туркистон АССРда ташкил этилган мазкур орган янгича ҳуқуқ-тартиботни химоя қилишга даъват этилган ишчи ва дехқонларнинг синфий ташкилоти тарзида бунёд этилди. Улка милициясининг тузилишида катта рол ўйнаган инстанция — «шахар ва туманлар милиция инспектори бошқармаси бўлими» ташкил этилганидан сўнг ташкилий масалаларнинг ҳаммаси унинг бошқарувида амалга оширила бошланди. Баш бошқарма таъсис этилганидан кейин Туркистон АССР ИИХК томонидан Ишчи-дехқон милициясининг Низоми қабул қилинди. Низом милиция ходимларининг фаолият олиб боришини бир тизимга солиб турувчи асосий қонунлар тўплами бўлиб, унда ташкилотнинг иш юритиши билан боғлиқ барча масалалар кўрсатилди. Милиция томонидан жамиятнинг ҳамма соҳаларида назоратнинг қўлга олинишини таъминлаш учун унинг таркибида бўлимлар тузила бошланди.

Биринчи бўлиб милициянинг ажralmas кисми бўлмиш жиноят-кидирув бўлими ташкил этилди. Вилоятларда кўнгилли милиция бўлимларининг ташкил этилиши жуда зиддиятли ҳолатлар билан кечди. Чунки кўнгилли отрядлар асосан маҳаллий аҳоли вакилларидан тузилди ва устига-устак улардан тузумга қарши уюштирилаётган ҳужумларни бостиришда асосий қурол сифатида фойдаланилди. Темир йўлларни назорат қилиш учун ташкил этилган бўлим эса 4 та район бошқармаси ва 12 та кичик бошқармалардан иборат бўлди. Саноат милицияси республикада саноат ишлари билан боғлик масалаларни назорат қиласди. Милиция бўлимларининг ташкил этилишидаги охирги босқич сув ва маҳкамам милицияси бўлимларининг тузилишидир. Қонуний жиҳатдан сув милицияси ходимларининг ваколат ва мажбуриятлари умумфукарорий милиционерларники билан бир хил бўлиб, уларга қўшимча равишда сугориш ишлари ва сугориш иншоотларини назорат қилиш ҳам юклатилди. Маҳкамам милицияси давлат аҳамиятига молик бўлган барча турдаги мулкларни қўриқлаш вазифасини бажарди. Шу тариқа Туркистон АССРда ташкил этилган Ишчи-дехқон милицияси ўзининг иш фаолияти даврида тегишли структура ва бўлимларига эга бўлди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. 17-фонд - Туркистон АССР Марказий Ижроия Кўмитаси (МИК) Советлари.
2. 18-фонд - Туркистон Иктисадий Кенгashi (ТЭС).

3. 25-фонд - Туркистан АССР Халқ Комиссарлари Совети.
4. 38-фонд - Туркистан АССР Адлия халқ комиссарлиги.
5. 39-фонд - Туркистан АССР Ички ишлар халқ комиссарлиги (НКВД).
6. 41-фонд - Туркистан АССР Ишчи-дехқон инспекцияси халқ комиссарлиги.
7. Джалилов Т. А. Верные отчизне. - Т.: Узбекистан, 1968. - 158 с.
8. Джалилов Т. А. Из истории рабоче-дехканской милиции Узбекистана. - Т.: Узбекистан. 1969. - 87 с.
9. Джалилов Т. А . Страницы истории милиции Хорезма и Бухары. -Т.: Узбекистан, 1970. - 80 с. 149
10. Дорохова Г. А. Рабоче-крестьянская инспекция в 1920- 1923 гг. - М.: Госюриздан, 1959. - 184 с.